

UDK: 632.754.1

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ЎРГИМЧАККАНА ПОПУЛЯЦИЯЛАРИГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ УСУЛ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАР

Сафаров Муртоза Абсаломович, Жўраев Бахриддин Хушбоқович

Чориева Раъно Жумаевна, ЎКХИТИ Сурхондарё минтақавий филиали  
илмий ходимлари.

**Annotation:** *The article analyzes the development, distribution, susceptibility, resistance to pesticides, determination of the level of damage and control measures of spider mites on cotton, and also presents the results of studies conducted to study the biological effectiveness of a newly proposed chemical agent against spider mites.*

**Keywords:** *cotton, pesticide, insecticide, biological efficiency, tetranychus urticae Koch, pest, chemical method.*

Ўргимчаккана гўзанинг асосий зараркунандасидир, у ҳаммахўр зараркунанда бўлиб, ўсимликларнинг 200 дан ортиқ турида, шулардан бегона ўтларининг 173 турида, дарахт ва буталарнинг 38 турида ҳамда экинларнинг 40 дан ортиқ турида учрайди (Хўжаев 2019).

Кимёвий кураш чораларини қўллаш тизимида ҳали ҳам кўплаб муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийси бу зараркунанданинг пестицидларга нисбатан чидамлилиги билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришда янги юқори самарали инсектицидлар: Аваунт, Караген, Суррендер ва бошқалар пайдо бўлишига қарамай, гўзанинг зараркунандаларига қарши янги инсектицидлар ва биологик фаол моддаларни ўрганиш ва жорий этиш муаммоси долзарблигича қолмоқда (Саттаров в. б., 2012).

Республикамиз шароитида гўзанинг ашаддий зараркунандаларидан бири ўргимчакканалар (*Tetranychus urticae Koch.*) ҳисобланади. Бу зараркунанданинг

тарқалиш хавфи шундан иборатки, ғўза ўсимлик ривожланишининг дастлабки давридаёқ бу зараркунанда билан зарарланганда ҳосилнинг 56% гача йўқолади.

Марказий Осиё шароитида ўргимчаккана ривожланишининг морфологик ва биологик хусусиятларини ўрганишга кўплаб ишлар бағишланган. Унинг зарари ўрганилиб, унга қарши курашиш тактикаси ишлаб чиқилган. Ғўзадаги ўргимчаккананинг ИЗМ мезонлари ишлаб чиқилган. Ўргимчакканаларнинг пестицидларга чидамлилиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди ва бу ҳодисанинг олдини олиш ва уни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқилди.

Юқорида келтирилган материаллар шуни айтишга имкон берадики, сўнгги йилларда пахта ва бошқа экинларни ўргимчакканадан ҳимоя қилишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Сурхондарё вилоятининг айрим туманларида ўргимчаккананинг зарарини ортиши ва кимёвий препаратларнинг самарадорлигини пасайиши натижасида янги препаратларнинг синовини ўтказишини тақозо қилди. Шу муносабат билан бу йилги тадқиқотларимизда ишлаб чиқарувчилар томонидан янги таклиф этилган кимёвий воситаларнинг ғўзада ўргимчакканага нисбатан биологик самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб бордик. Инсектоакарациднинг самарадорлигини ўрганиш учун дала тажрибаларида ўргимчакканага қарши Vertigo Pro, 3,6 % эм.к. – 0,3 л/ га меъёрда, андоза сифатида Абалон, 1,8% к.э. – 0,45 л /га сарф меъёрда синовдан ўтказилди.

Тажриба Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти Сурхондарё минтақавий филиали тажриба даласида ўтказилди. Бунда ғўза нави “Юксалиш” бўлиб, экиш апрел ойида амалга оширилди. Препаратнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар Давлат кимё комиссияси (1994 ва 2004 йиллар ) томонидан чиқарилган услубга мувофиқ амалга оширилди. Ишлаб чиқариш тажрибалари, участканинг умумий майдони 12,5 га. Ҳисоблаш учун ҳар бир санок участкасига санок ўсимликлари ажратилган.

Биологик самарадорликни ҳисоблаш назорат вариантыни назарда тутувчи Аббот (1925) формуласи бўйича амалга оширилди.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Vertigo Pro, 3,6 % эм.к. инсектоакарицидининг биологик самарадорлигини ўрганиш бўйича белгиланган муддатда, инсектоакарицидини синаш учун зарур талабларни эътиборга олган ҳолда тажриба қўйилди. Бунда инсектоакарицид 0,3 л/га сарф меъёрида назоратга нисбатан синалди. Ўргимчакканага қарши Vertigo Pro, 3,6 % эм.к. инсектоакарицидининг биологик самарадорлигини ўрганиш бўйича белгиланган муддатда, инсектоакарицидини синаш учун зарур талабларни эътиборга олган ҳолда тажриба қўйилди. Бунда инсектоакарицид 0,3 л/га сарф меъёрида назоратга нисбатан синалди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилди. Ҳисоб - китоблар ишловдан олдин ҳамда ишловдан кейин 1,3,5,7,9,11 ва 14 кунда 14 кун мобайнида олиб борилди (1-жадвал). Бу тажриба Сурхондарё вилояти Ангор тумани Ҳомкон худуди ЎКҲИТИ Сурхондарё минтақавий филиали тажриба даласида ўтказилди.

Vertigo Pro, 3,6 % эм.к. инсектоакарицидини ғўзада ўргимчакканага қарши гектарига 0,3 л ишлатганда, ишловгача 1 туп ғўзадаги битта баргда ўргимчаккана сони 90,4 дона бўлган. Ишловдан сўнг бир кун ўтгандан кейин 20,7 дона қолган биологик самарадорлик 82,9 % ни, уч кундан сўнг 10,5 дона биологик самарадорлик 88,2 % ни, беш кун ўтгандан сўнг 4,5 дона биологик самарадорлик 95,0 % ни, етти кун ўтгандан сўнг 3,1 дона биологик самарадорлик 96,4 % ни, тўққиз кун ўтгандан сўнг 8,2 дона биологик самарадорлик 90,8 % ни, ўн бир кун ўтгач 10,4 дона қолганлиги биологик самарадорлик 88,4 % ни ўн тўрт кун ўтгач 14,5 дона биологик самарадорлик 83,5 % ни ташкил қилди.

Андоза ўрнида Абалон 1,8% инсектоакарицидини ғўзада ўргимчакканага қарши бир гектарга 0,45 л/га ишлатганда, ишловгача бир туп ғўзадаги битта баргда ўргимчаккана сони 83,5 дона бўлган бўлса ишловдан кейин бир кун ўтгандан кейин ўргимчаккана сони 24 дона қолган бўлса, биологик самарадорлик 71,1% ни, уч

кундан кейин 18,8 дона биологик самарадорлик 77,2% ни, беш кун ўтгандан сўнг 15,4 дона биологик самарадорлик 81,5% ни, етти кун ўтгач 14 дона бўлса биологик самарадорлик 82,5% ни, тўққиз кун ўтгач 19,6 дона бўлса биологик самарадорлик 76,2% ни, ўн бир кун ўтгач 24,2 дона қолганлиги биологик самарадорлик 70,8% ни ўн тўрт кун ўтгач 25,4 дона биологик самарадорлик 68,7% ни ташкил қилди.



1-расм



2-расм

1-жадвал

**Гўзада ўргимчакканага қарши Vertigo Pro, 3,6 % эм.к. инсектоакарацидининг биологик самарадорлиги.**

*(Дала тажрибаси, Ангор тумани, ЎКҲИТИ Сурхондарё минтақавий филиали К-45 қўл аппарати 800 л/га, 21.07.2023.*

| № | Вариантлар             | Таъсир<br>этувчи<br>моддаси | Дор<br>и<br>сар<br>фи,<br>кг/Га | Битта баргда ўргимчаккана<br>ўртача сони, дона |                                  |      |     |     |     |      |      | Биологик<br>самарадорлик, % |    |    |    |    |    |    |  |
|---|------------------------|-----------------------------|---------------------------------|------------------------------------------------|----------------------------------|------|-----|-----|-----|------|------|-----------------------------|----|----|----|----|----|----|--|
|   |                        |                             |                                 | Иш<br>лов<br>дан<br>олд<br>ин                  | Ишловдан кейин кунлар<br>бўйича: |      |     |     |     |      |      |                             |    |    |    |    |    |    |  |
|   |                        |                             |                                 |                                                | 1                                | 3    | 5   | 7   | 9   | 11   | 14   | 1                           | 3  | 5  | 7  | 9  | 11 | 14 |  |
| 1 | Vertigo Pro 3,6 % em.k | Abamectin                   | 0,3                             | 90,4                                           | 20,7                             | 10,5 | 4,5 | 3,1 | 8,2 | 10,4 | 14,5 | 82                          | 88 | 95 | 96 | 90 | 88 | 83 |  |

|   |                                  |                          |      |      |              |              |              |              |              |              |              |              |              |              |              |              |              |              |
|---|----------------------------------|--------------------------|------|------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|   |                                  |                          |      |      |              |              |              |              |              |              |              | 9            | 2            | 0            | 4            | 8            | 4            | 5            |
| 3 | Абалон,<br>1,8% к.э.<br>(эталон) | абаме<br>ктин,<br>18 г/л | 0,45 | 83,5 | 2<br>4,<br>0 | 1<br>8,<br>8 | 1<br>5,<br>4 | 1<br>4,<br>0 | 1<br>9,<br>6 | 2<br>4,<br>2 | 2<br>5,<br>4 | 71<br>,<br>1 | 77<br>,<br>2 | 81<br>,<br>5 | 82<br>,<br>5 | 76<br>,<br>2 | 70<br>,<br>8 | 68<br>,<br>7 |
| 3 | Назорат<br>(дорисиз<br>)         | -                        | -    | 75,2 | 75,<br>0     | 74,<br>3     | 75,<br>0     | 72,<br>4     | 74,<br>3     | 74,<br>8     | 73,<br>3     | -            | -            | -            | -            | -            | -            | -            |

## Хулосалар

1. Vertigo Pro, 3,6 % эм.к. инсектоакарацидининг препаратив шакли яхши, сувга яхши аралашади, чўкма ҳосил қилмайди.

2. Ўргимчакканага қарши қониқарли самарага эга бўлиб, гектарига 0,3 литр сарф меъёрга қўллаш учун тавсия этиш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Abbot W.S. A method of computing the effectiveness of an insecticide. // J. Econ. Entomol. 1925. – N 3. – Vol. 18, – P. 265–267.

2. Сатторов Н., Хўжаев Ш.Т., Хакимова С. Кимёвий усулнинг истиқболлари /II.-амалий конф. мат-ри (ЎзПТИ, 3-5. XII. 2012 й.). – Тошкент, 2012. – 450-452 б.

3. Хўжаев Ш.Т., Сулаймонов О.А. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. –Тошкент - 2019. ООО "Янги нашр нашриёти", Б.376.